

БҲҮҮОН БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 87 (5180).

2
М А Й
ПАЙШАНБА

1974 йил.

Баҳоси 2 тийин.

МАМЛАКАТИМИЗ 1-МАЙ БАЙРАМИНИ ЗҲР ТАҢТАНА ВА ҚУВОНЧ БИЛАН НИШОНЛАДИ. СОВЕТ ХАЛҚИ ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА, КОММУНИЗМ ИШИГА ЧЕКСИЗ СОДИҚЛИГИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ҚИЛДИ.

ПАРТИЯ—ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР РАҲНАМОСИ

Бешоён совет дйёри баҳор, меҳнат ва бахт байрами — биринчи майни ялал ёниб турган Қизил байроқлар билан, оркестр садолари билан, шаҳар ва қишлоқларни ранг-баранг либосга буркаб кўтиб олди. Совет кишилари бу байрамни яхши кайфият билан қаршиладилар. Бутун улар мамлакат кўчалари ва майдонлари бўйлаб ёйилган байрам колонналарида ўтар эвонлар, меҳнатдаги янгиликлар зафарлар турисиди ватанга рапорт бермоқдалар.

«Зарбдор коммунистлик меҳнат — мамлакатимизни мустақамлашнинг, халқимиз турмушининг яхшилашнинг энг тўғри йўлидир. Айни вақтда у мустақам тинчлик ишига қўшилган буюк ҳисса ҳамдир». — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. Бугунги байрам ҳам КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошираётган совет халқи ғалабаларининг завоқшавли намоишидир. Совет кишиларнинг коммунизм йўлидаги илҳомбахш кураши кесок қўлоч ёган коммунистлик муқоаблада, шонли меҳнат зафарларида яққол намоён бўлмоқда.

Тинчлик, меҳнат, май — одамлар онгига бир-биридан ажралмайди. Ҳаммаша бўлгандек бугунги байрам дамларида ҳам бутун ер кўраси Кремль курагининг тантанали жарангига берилиб қўлоқ солмоқда.

Советлар мамлакатининг юраги — Қизил майдон байрам либосига кўйилган, барча иттифоддор республикаларнинг байроқлари майдон узра ҳиллаб турибди. Маркс, Энгельс, Ленин сиймолари тасвирланган катта байроқ бош универсал магазин пештоғига ўрнатилган. Кремль деворига СССР давлат герби, ўн беш иттифоддор республиканинг герблари қўйилган тушади. Тарих музейи биносини тегасига монументал панно қўйилган. В. И. Ленин сурати тасвирланган байроқда «Тинчлик программасининг ғолиблари тантана қилаверсин!» деган сўзларни ўқиймиз. 250 миллионли бутун совет халқининг Ленин байроғи остида, партия раҳномалигида битта қудратли колонна бўлиб янги ғалабалар сари одам ташлаб бормоқда.

Хурматли меҳмонларга аталган минбарда Социалистик Меҳнат Ҳақрамонлари — саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ ҳўжалигида 1973 йилги социалистик муқоабда ғолиблари, мамлакатнинг донгдор кишилари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, СССРнинг космонавт учувчилари, ВЛКСМнинг Москвада бўлиб ўтган XVII съезди делегатлари турибди. СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошқилари, жуда кўп чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлишган.

Меҳнаткашларнинг халқаро бирлашган байрамни нишонлаш учун социалистик мамлакатларнинг вазиллари, тўқсондан ортиқ давлат қасабаси соҳа ва ишчилар ташкилотларининг намоёндалари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун таниқли курашчилар бу ерга келишган.

Майдонда қарсақларнинг қудратли тўқлини бошланади, «Ура!» деган овозлар эшитилди. «КПСС-га шон-шарафлар!» «Коммунистлик партиянинг Ленинни Марказий Комитетига шон-шарафлар!» «Коммунизм ғалаба қозонади!» деган ғўлоблар янгради.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Громыко, А. И. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кузнецов, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катусhev ўртоқлар В. И. Ленин мавзолейининг марказий минбарига кўтариладилар. Таниқли совет ҳарбий бошқилари ҳам улар билан бирга марказий минбарга чиқадилар.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Коммунистлик партия билан совет давлатининг раҳбарларини гулдўрос қарсақлар билан қизил ва самимий табриклаб кўтиб оладилар.

«Азиз ўртоқлар! Улуғ Советлар мамлакатининг граждандари!

Совет Иттифоқи Коммунистлик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ишчилар ва колхозчиларини, эвонларини, Совет Армияси ва ҳарбий Денгиз флотининг жағчиларини, революция, урушлар ва меҳнат ветеранларини, шонли ёшларини, барча совет кишиларини Биринчи Май байрами билан табриклайдлар ва кўтлайдилар! КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Со-



Москва. Қизил майдон. В. И. Ленин мавзолейи минбарига партия ва ҳукуматимиз раҳбарлари.

ТАСС—ЎзТАГ фотохроникаси.

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИ

вети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет халқига йўллаган Биринчи Май табригининг ана шу самимий сўзларини кўчаларга ва майдонларга чиққан Москва меҳнаткашлари, бутун мамлакат, бутун дунё ана шу баҳор байрами тўғрисида тинглагомоқда. Биринчи Май табригини ҳар бир совет кишига, тинчлик ва тараққиёт йўлида, бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида курашаётган барча кишиларга қаратилган. Шу байрам тўғрисида Совет Иттифоқининг ҳамма радиостанциялари, марказий телевидение, «Интервидение» ва «Евровидение» системалари ишлайди.

«Интернационал» — тантанали янграйди. Кураш бонг узради. Эрталаб совет 10 Ғафларларнинг «Бешоёндир ватаним» менинг» деган сўзигада муқоаб қайрам намоишнинг бошланади. Ун байроқдорлар колоннаси очиб беради. Қизил майдон тегасида кўтарила бошлаган шарға осилган қизил аловган «1 май» сўзи ёйилган. Бош универсал магазин биносини ёндағи қизил байроқлар ёнда «Тинчлик-Меҳнат-май» сўзларини пайдо бўлади.

Шу заҳоти майдонга намоишчиларнинг бош колоннаси кириб келади. Пойтахтнинг ҳақрамон шаҳарга берилган муқорфлар: «Озлик қолдус», қўш Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени тўқилган байроғи олдига кўтариб ўтилади. Москваликлар фидокорона меҳнатлари билан жонажон шаҳар шўхратини оширмоқдалар. Намойишчилар қўлидаги байроқлар шпорларда: «Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистлик партияси», «Ленин йўлидан — коммунизм сари!», «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!», «Яшасин Ленинни Марказий Комитетига», деган сўзларни ўқиймиз. Колонналар узра барча антиимпериалистик жағговар революцияни даъват эзувчи жағговар револуция даъвати янграйди. Намойишчилар: «Улуғ Ленинга шон-шарафлар!», «Яшасин КПСС!», «Халқ билан партияга дин!» «Коммунизм ғалаба қилади!», деган шпорларни қайта-қайта тақорлайдилар.

Бундан уч йил муқаддам Совет Иттифоқи Коммунистлик партиясининг XXIV съезди бўлиб ўтди. Съездеда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан қилган хисобот донади, ҳисобот донади жоасибдан сўзлаб қўлоқ қилган резолюция, СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планни жоасибдан сўзлаб тасдиқлаган Директивалар халқимизни совет жамаиятини иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг улуғвор программаси билан қўроллайдилар.

Ўтган йиллар давомида партиямиз, бутун совет халқи КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан ленинчи йўлни амалга ошириш учун янги мақсадни кўлаб, фидокорона кураш олиб бордилар. Партия, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ишчилик билан амалга ошираётган бу программа ажойиб са-

маралар бермоқда. Ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган тақатта иқтисодий ва сиёсий тағбирлар, эришилган натижалар мамлакатнинг коммунизм йўлидан ривожланишида янги босқични бошлаб берди.

В. И. Ленин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари портретлари қўйилган машиналар майдондан улуғвор юриб ўтади. Байроқлар денгизда: «Ленин йўлидан — коммунизм сари!», «КПССга шон-шарафлар!», «Партия — давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва ор-муноси!» сўзлари ёйилган бадий паннолар, транспарантлар, шпорлар кўзга ташланади.

Ўз мамлакатининг тўла ҳўқуқли ҳўжайинлари бўлган совет кишилари — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, эвонлар, коммунистлар ва партиячилар, барча иттифоддор республикаларнинг меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида ягона аҳил оила бўлиб КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар. Иттифоддор ва автоном республикалар, автоном областлар ва миллий округлар Халқлар дўстлиги орденалари билан муқоратланганлари ҳар бир миллат ва элнинг СССРни мустақамлаш ва ривожлантиришида қўйган хиссасининг тирфоти бўлибди. Коммунизм қўраётган кўп миллатли совет халқига бағишлаб беришган машиналар майдондан ўтади. Уларнинг биринчисиди СССР герби тасвирланган ва: «Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустақамлашнинг, равишда топарамиз!» шпорини ўрнатилган. Иттифоддор республикаларнинг герблари тасвирланган байроқлар кўтариб олган мотоциклчилар эскорт Халқлар дўстлиги ордени тасвирланган қўрилмадан ҳамроҳлик қилади. «Яшасин СССР халқларининг интернационал бирлиги ва қардошларга дўстлиги!» сўзлари ёйилган панно колонна тегасида баланд кўтарилади.

Бутун совет халқи шу қўларда мамлакат ҳаётидаги катта сиёсий воқеа — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига сайловга тайёргарлик қўрмоқда. Бу — КПСС XXIV съезидан кейин давлат ҳокимиятининг олий органига ўтказилади. Биринчи сайлов бўлади. «Биз тобора кенг оммининг мамлакатини қамолат ишларини бошқаришдаги ишчиликнинг социалистик демократиянинг маъноси ва мамуми деб биламиз», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев съезд минбарига туриб. — Ўзгара жамиятнинг бутун сиёсий системаси, меҳнаткашларнинг доимо ўсиб бораётган ташаббуси коммунизм қўрилишига хизмат қилмоқда».

Мамлакат меҳнаткашлари сайловни Совет Иттифоқи Коммунистлик партияси теварағига маҳкам яншлашган ҳолда кўтиб олмақдалар. Совет кишилари Коммунистлик партия билан совет давлатининг раҳбарларини дўстатлик ва биринчи номзодлар қаторида тилга олиб, шу тарихда жонажон партияга чексиз меҳр-муҳаббатлар ва ишончларини намоиш эт-

моқдалар. Улар партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини маъқуламоқдалар ҳамда актив қўлаб қўуваётмоқдалар. Бу сиёсатни амалга оширишга КПСС Марказий Комитети унинг Сиёсий бюроси ва — шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев қўлаб қўйган катта ҳиссани эр мамумини билан ташкилламоқдалар. Бутун намоишда ҳам бу мавзу қудратли оҳанг бериб янграмоқда.

Намоишчиларнинг колонналари кўтариб олган шпорлар, транспарантлар меҳнаткашларнинг тўқ қизилчи беш йилликдаги меҳнат ғалабаларига, коммунистлик қўрилишининг барча усталирида совет кишиларининг яхшилик, кўп йиллар фаолиятига бағишланган, СССР саноати биринчи қавратлиги муваффақиятли бажади. Тошйиридаги ташқари ники миллир сўмалик маъқулот, реализация қилинди. Қаврат планини ҳамма умумиттифок ва иттифок республика саноат министрликлари ҳамда барча иттифоддор республикалар ошириб бажарди. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумидаги нуксида ўртага қўйилган вазифалар ишчилар билан муваффақиятли бажарилаётганини далилдола беради. Ҳозир 1974 йил планини тўла ва ошириб бажаришдан ҳам муқимор, масъулятироқ иш йўқлигини барча меҳнатчилар яхши тушунадилар, давлат манфаатлари, халқ манфаатлари, ҳар бир меҳнаткаш инсон манфаатлари шўни талаб қилади.

Байрам намоишини қатнашчилари: «Партиянинг даъватига зарбдор меҳнат билан жавоб берамиз!», «Белгиларини йил — 1974 йил тошйириларини мундандан аввал бажарамиз!», «Ватанимиз иқтисодий ва маънавия қудратини зарбдор меҳнат билан мустақамлашамиз!» деган сўзлар ёйилган паннолар, плакатлар, шпорларни кўтариб ўтадилар.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга киришилганлигининг янги маънавийлигини қўрида бутун мамлакат тантанали равишда нишонлади. Бу — партиямизнинг, бутун совет халқининг меҳнатдаги миссияси жасорати, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг иттифодли, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги мустақамлашнинг далили бўлибди. Намойишчилар колоннаси тегасидаги фотосуратда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг қўриқ ерлар ўзлаштиришга бошлаганлигининг 20 йиллигига бағишланган. Олмаотадаги тантанали мажлисда нутқ сўзлаб турган пайти тасвирланган.

Леонид Ильич Брежневнинг нутқида КПСС аграр сиёсатининг ҳозирги босқичдаги бош йўналишлар чуқур ва атрофлича очиб берилган, мамлакатни социалистик дўстлик жиҳатдан ривожлантиришнинг, халқаро муқоабаларнинг ақтуал проблемалари анализ қилинган.

Пойтахт комсомол ташкилотининг байроғи остида Қизил майдонга ёшлар кириб келишда, Паннога Л. И. Брежневнинг

ВЛКСМ XVII съезида айтган: «Совет ёшлари улуғ Ленин чизиб берган йўлдан бормоқдалар» деган сўзлари ёйилган. Шпорларда, транспарантларда ВЛКСМ XVII съездининг қарорлари қўролланган. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида, КПСС Марказий Комитетининг комсомол XVII съезида йўллаган табирномасида ёш ленинчи ўттиз тўрт миллионли армиясининг янги вазифалари белгиланган бўлибди. Булар бутун комсомол ишнинг моҳияти, маънавий бўлиб қолди. Ҳаммаша шундай бўлиб келган ва ҳаммаша шундай бўлаверадир!»

Комсомоллар ўрнини пионерлар олишди. Ёш космонавтлар, ёш ҳарбийлар, ёш деғизчилар, санитари дўрункачиларининг ортидаги ранг-баранг либосда майдонга кириб келадилар. Колонна уртасида: «Ленин номи билан 50 йил Ленин ва партия йўлидаги содиқлик!» сўзлари ёйилган. Намойишчилар кўтариб олган паннога кўтариб ўтилади. Комсомол наби пионерлар ҳам бу йил танқилолга улуғ доҳий номи берилган кўннинг 50 йиллигини нишонлайдилар.

Спортчиларнинг байроқлари шамолда камалак рангларига товланади. «Меҳнатга ва ватан ҳўмосига ҳаммаша тайёргар!» деган шпор остида ДОСААФ спортчилари ўтадилар.

1 май кўни ғалаба байрам графикаси нишонламоқда. Бу ғалаба нақадар қимматга тушганлигини мамлакатимиз халқлари яхши билладилар, шу босдан ҳам улар тинчлик душманларининг ана уруш ёнтинини аланга олдиришига йўл қўймайлик учун ҳамма ишларни қилмоқдалар. Колонналардан бири фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабага бағишланган

паннони олиб ўтади, унга ғалаба ордени тасвири туширилган ва: «9 май. Халқнинг жасорати сўз масдир!» сўзлари ёйилган.

Транспарантлар, плакатлар КПССнинг ташқи сиёсат фаолиятига бағишланган. Ташқи сиёсат, КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини рўббага қарши масалаларига партия Марказий Комитети алоҳида эътибор бериб келмоқда. Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бу масалалар билан чуқур, кенг ва кўп сайин шу гулламоқда.

Совет Иттифоқи — барча социализм мамлакатлари жисслги ва ҳамкорлигининг актив курашчиси деган мавзу майдондан ўтган колонналардан биринчи байрам безати қилиб олинган. Социалистик ҳамдўстлик — ленинча интернационализм ғояларининг жонли муқассамидир. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий мақсадда комитетининг 17—18 апрель қўларини бўлиб ўтган кенгаши СССР, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар ташқи сиёсати ишчилар ва ривожланиб борувчи сиёсат эъоялигини, бу сиёсат дўненинг тақдирини тобора кўпроқ таъсир ўтказишга қўлашганини янги яққол исботи бўлибди.

Совет кишилари, бошқа социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, барча тинчлик тарафдорлари Варшава кенгашининг янгиликларини қизғин маъқуламоқдалар ва бу янгиликлар қардош давлатларнинг бирлиги ва жисслги тобора мустақамлашнинг бораётганлигининг, уларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳаракатлари янада муваффақлаштириб олиб бораётганлигининг далили деб биламоқдалар. Социалистик мамлакатларнинг, аввало Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат соҳасидаги конструктив ҳаракатлари Европадаги вазиятни нормаллаштиришга, барча давлатлар ўртасида яхши қўшиқчилик муқоабаларини ўрнатилга ва ўзаро манфаатли ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга қўлашганини кенгаши ахборотида таъкидлаб ўтилган.

«Социалистик иқтисодий интеграция муваффақиятли равишда ривожланимоқда», «Яхон социализм системаси ривожланиши ва устуқамлашависини», «Социалистик интернационализм байроғини баланд кўтарайлик!» деган транспарантлар ва шпорлар Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий мақсадда комитетининг кенгашига, ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг 25 йиллигига бағишланган.

«Совет-Ўзба дўстлиги бузулмайдир!» деган паннода Л. И. Брежнев билан Ф. Кастронинг фотосуратлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарининг Куба Республикасига қилган визити тўғрисида газеталардан олинган материаллар тасвирланган.

Бизнинг мамлакатимиз — тинчлик, миллий мустақиллик ва социализм йўлида халқлар олиб бораётган курашнинг ишончли таянчидир. Тинчликсевар кушларнинг яхон конгресси 1973 йил октябрида айни Москвада ўтказилганлиги гоат рамзини бир воқеа бўлибди. Бу конгресс бутун дунёда СССР Иттифоқи бошчилигида тинчлик учун олиб борилаётган қудратли ҳаракатнинг ифодаси бўлибди. Тинчлик мавзун байрам намоишга қатнашчилари кўтариб ўтган ўнлаб паннолар ва транспарантларда, шпорларда яққол тасвирланган.

(Давоми 2-бетда).



Тошкентда баҳор байрами — 1-Май.

А. Абалаев фотоси.

